Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 барабарни (1 минг 875 минг сўм), Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида БХМнинг 3 барабари (1 минг 125 минг сўм), вилоятлар бўйсунувида бошқа шаҳарларда БХМнинг 2 барабари (750 минг сўм), бошқа аҳоли пунктларида БХМнинг 1 барабари (375 минг сўм) миқдорида тўлов қилинади. І ва ІІ гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар бир марталик тўловни тўлашдан озод этилади. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» аҳборот тизимида киритилган шахслардан бир марталик тўлов белgilangan тўловнинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

Ийларки, ўзи яшаб келётган турар жойининг қонуний кадстри бўлмаса, унга росмана эгалик қила олмас, фуқаро бу уйда ижара чиқиб гап. Янги Қонуннинг қабул қилиниши кучли ижтимоий руҳият ўйғоттани бекорга эмас. Унинг аҳолига энг катта фойдаси фуқарога ўз уйига эгалик қила олиш ҳуқуқини беришидадир.

**Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



ЭНЕРГО БАРҚАРОРЛИГИ УЧУН

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сув кам бўлган мавсумлар тез-тез тақорланмоқда. Шундай бўлса-да, яратилган кўшимча кувватлар эвазига гидроэнергетика салоҳиятини нафакат бир маромада сақлаш, балки кувватлар йилдан-йилга ошишига ҳам эришилмоқда. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ сув-энергетика ресурсларини ягона бошқарув системасини шакллантириб, гидроэнергетика объектларининг марказлашган технологик бошқарувини таъминламоқда.

Жумладан, жами 45 та лойиҳа, шу жумладан, 37 та янги ўрта, кичик ва микро ГЭС қурилиши натижасида кўшимча 189,2 МВт кувват яратилишига, 11 та мавжуд ГЭСларни замонавий андозалар асосида модернизация қилиш натижасида эса 207 МВт кувват кўшилишига эришилди.

Кейинги етти йил ичидан мамлакатимизда ГЭСларнинг умумий сони 35 тадан 72 тага ҳамда ўрнатилган кувват 1836 МВтдан 2252,5 МВтга етказилиб, кўшимча равишда кариб 416,5 МВт кувват яратилди. Бу кўрсаткич сўнгги йиллarda нафакат ўзбекистонда, балки МДҲ давлатларида ҳам катта кўрсатчилардан бири хисобланади.

2025 йилда республика электр энергия балансига жамият тасарруфидаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан 8,2 миллиард кВт соатга яқин электр энергияси миллий электр тармоқлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилиши кутилмоқда. Бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 19 фоизга кўпроқ деганидир.

Хозирда жамият таркибида энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан қунилк ўтравча 22 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Кичик ва микроГЭСларни асоси афзалиги олинаётган энергия арzon ва экологик тозалигидадир. Таъқидлаш жоизки, микроГЭСларни қуриш орқали сув ресурсларидан янада самарийада фойдаланиш имкони ортиб бормоқда.

Мавъумот ўринда яна шуни айтни мумкин, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан биринчи микроГЭСларни ишга тушириш 2019 йилда бошланган бўлиб, 2024 йил якунни билан умумий кичик ва микроГЭСларни сони 37 тани ташкил этмоқда.

Шу ўринда яна бир мавъумотни көлтириб ўтмоқи эдик. Ўтган йилда кичик ва микроГЭСларни оширилиши соҳасида жамият 18 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида умумий куввати 24,49 МВт бўлган янги кувватлар ишга туширилиб,

бир йилда кўшимча 99,6 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Масалан, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида, Самарқанд вилоятининг Ургут (4 та), Пастдагром туманларида, Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлиқ (3 та) туманларида, Фарғона вилоятининг Фарғона туманида (2 та), Қашқадарё вилоятининг Яккабог, Шахрисабз ва Китоб туманларида ҳамда Сурхондарё вилоятининг Сарисий (2 та) ва Кўмкўргон туманларида ишга туширилган.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишиши, энергия кувватларининг оширилиши аҳоли турмуш фаровонлиги ортишига, юртимизда энерго барқарорлик таъминланишига хизмат қилмоқда.

МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР:

Қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВтга ҳамда истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш мақсадида 2024 йилда жами қуввати 1 850 МВтга тенг бўлгун қўёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ ЗЗ ЙИЛЛИГИГА



ВАТАНГА ХИЗМАТНИНГ БИР ЙИЛИ...

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ҲАР БИР ЭР ЙИГИТ УЧУН ЮКСАК ШАРАФ ДЕМАКДИР. БУ МУҚАДДАС ВАЗИФА НАФАҚАТ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИДА, БАЛКИ ҲАРБИЙ МУНДИР ИЧРА УРИБ ТУРГАН ҲАР БИР ЮРАКДА, ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ХАВО ВА ШАРОИТДА КЕЧА-Ю КУНДУЗ ДАВОМ ЭТАДИ. ЙИЛНИНГ ТҮРТ ФАСЛИ ГУВОХ: ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИМИЗ ЭНГ МАШАҚАТЛИ ЛАҲЗАЛАРДА ҲАМ ЗИММАСИДАГИ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТДАН ЗАРРА ҚАДАР ЧЕКИНГАН ЭМАС



2024 йил миллий армиямиз бүй-бастини ҳар томонлама ростлади, тоблади. Йилбоши февралда Марказий ҳарбий округ «Фориш» тоғ полигонида ўтказилган батальон тактик ўқувларида Мудофаа вазирлиги қўшинла-рида жанговар шайликнинг қай даражада эканини кузатиш имкониятига эга бўлдик. Тарихдан маълумки, жангда қўшин сони эмас, унинг тезкор ҳаракатланиши, жанговар тайёргарлиги ва жангчиларнинг маҳорати муҳим аҳамият касб этган. Бундай тактик услублар бугунги кунда бригада, батальон ёки бошқа бўлинмалар миёсидағи машғу-лотларда синовдан ўтказилиб, амалий кў-никмалар орқали кўзланган мақсадларга эришилиши таъминланмоқда.

Февраль ойида Озарбайжон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув машқлар марказига ташриф буюриши ва «Тоғ етакчиси» ўқув курсида иштирок этиши ҳарбий хизматчиларнинг тоғли ҳудудлардаги қийин шароитларда жанг олиб бориш бўйича билим ва кўнимкамаларини оширишда, маҳоратини бойитишда муҳим босқичлардан бирни бўлиб хизмат қилди.

Шу билан бирга «Чимён» төгөлдөрдүн тайёр гаралыгىң үкүв-машқулар марказида бўлиб ўтган машғулотларда юрт ўғлонлари кундузги ва тунги отиш, разведка ва алоқа, худудга мувофиқ ниқобланиш, шартли беморни фавқулодда эвакуация қилиш, пистирмадан ҳужум, шартли душманни қуршаб олиш, дарёдан кечув, жарлик ва даралар аро канат орқали хавфсиз ўтиш йўлини ҳозирлаш каби ўнлаб мураккаб жанговар вазифаларни гурух ва якка тартибда адо этишди.

Машғулотларга сингдирилаётган янгича ёндашувлар Шимоли-ғарбий ҳарбий округга қарашли «Нукус» умумқүшин полигонидагы ҳам ўз аксини топди. У ерда чўл шароитида жанговар тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш, мажмуавий машқларни бажариш учун жанговар шаҳарчалар, турли қурол намуналаридан амалий ўқ отиш учун мўлжалланган чинакамига универсал комплекс шаҳарча барпо этилди. Полигон худудидаги ўқ отиш мэрралари, ўқотар қуроллардан ноқулай шароитларда нишонни яксон қилиш машқлари авваллари эскича кўринишда ўтказилган бўлса, бугун тактик усуллар асосида

Дарвоқе, жангчини том маънода тоблайдиган маскан, шубҳасиз бепоён полигондир. Марказий ҳарбий округнинг «Сазаган» дала-ўқув майдонида округ қўшинларидағи мутахассис мерганлар ва ушбу мутахассисликка эга бўлиш истагини билдирган ҳарбий хизматчилар билан биргаликда ўқув услубий йиғин ўтказилди. Кўзланган асосий мақсад мерганлик маҳоратига эга энг сара мутахассисларни аниқлаш ва уларнинг сафини кенгайтириши

Аниқлаш ва уларнинг сафини кенгайтириш ҳамда Халқаро армия ўйинларига тайёрлаш бўлди.

Март ойининг сўнгги ўн кунлигидага Шарқий ҳарбий округ ҳарбий қисмларининг бирида навбатдаги назорат текшируви – синов машғулотларининг бўлиб ўтиши ҳарбий хизматчиларнинг ҳам назарий, ҳам амалий билим ва кўнгилмаларини синовдан ўтказган бўлса, апрель ойида халқаро алоқаларнинг янада мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган воқеаларга гувоҳ бўлдик. Ҳиндистон Республикаси Куролли Кучларининг Қуруқлиқдаги кўшинлари штаб бошлиғи генерал Манож Панде раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ташрифида ҳам



армиямизнинг салоҳиятини оширувчи қўшин турларидан бири саналади. Доимий ўтказиб келинадиган ўқув машғулотлари жанговар тайёргарликни янада ошириш имкониятини беради. Бу галги «тревога» ҳам Мудофаа ва зирлиги тизимида фаолият юритаётган артилерия қўшинларининг хушёргилигини яна бирбор синовдан ўтказди.

Йигин нүктаси Марказий ҳарбий округнинг «Каттакўргон» дала-ўкув майдони этиб белгиланди. «Тревога» сигналидан сўнг Тошкент Марказий ҳамда Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округлардан йўлга отланган соҳа мутахассислари даставвал ҳарбий техникаларни темирйўл платформасига юклашга киришди. Дастреб темирйўл бекати, шохобчаси ва аэропорти ҳарбий харакатлар таркибий бўлимига мутахассислар томонидан йўриқнома ўтилиб, ҳарбий техника ва ҳарбий юкларни темирйўл харакатчан таркиби (вагон) га юклаш бўйича



күргазмали машғулотлар үтказилди

Бу оралықда Каттақұрғон гарнizonидаги ҳарбий қысм шахсий таркиби ҳам юқори жаңа говар шай ҳолатта келтириб, узок масофагаға автойўл орқали марш амалга оширилди.

Сентябрь ойи ҳам ҳарбий хизматчилар ҳаётида мухим вазифалар адо этилгани билан эсда қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг профессионал сержантлар корпуси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида»ги Фармони билан Мудофаа вазирлиги қўшинларида янги «бош сержант» ва «бош сержант ёрдамчиси» лавозимлари жорий этилди. Улар сержантлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар орасидан тақомиллаштирилганлар.

«Термиз» умумқүшин полигонидаги ўқув нүқталарыда жисмоний ҳамда рухий зўриқиши тўсиқларини енгигб ўтиш, тиббий тайёргарлик, алока воситаларидан фойдаланиш, муҳандислик назорати, худуд ҳаритаси бўйича ишлаш бўйича синовларни топшириши шулар жумласидандир. Энг асосийси, ҳар бир гурух, взвод ва батальон турлича топшириқларни муваффақиятли бажариб, кўзланган мақсадга эришилди.

Тизимда мунтазам равишда ўтказиб келниәтгән «Кембрия патрули» мусобақасы ҳам ҳарбийларимиз учун анча омадли келди. Жорий йилги мусобақаларда 30 дан ортиқ мамлакат, жумладан, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Германия, Италия, Латвия, Қозоғистон, Туркманистан вә башқа давлатлардан 100 дан ортиқ жамоа иштирок этди. Ҳар бир жамоа 80 километрдан ортиқ масофани босиб ўтиб, энг мураккаб табиий ва тактик түсикларни енгди. Ҳар 8-10 километрда маршрутнинг турул жойларида иштирокчилар кимёвий ва биологик таждид шароитида ҳаракат қилиш, хужум операциялари ва мураккаб жойлarda йўналишни топиш каби жанговар вазифаларни бажардилар. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаси юкори даражадаги профессионаллик ва ҳамжиҳатликни намойиш этиб, ўз гурухига 13 та жамоа орасида биринчи ўринни эгаллади. Улар барча босқичларда зарарланган худудлардан муваффақиятли тарзда ўтиб, тактик операциялардаги маҳоратини кўрсатиб, маршрутни биринчилар сафида якунладилар. Йўл-йўлакай 4 та рекордни янгилаб ўтишгани таҳсинга лойиқ.

Умумий натижаларга кўра, Ўзбекистон жамоаси кумуш медалга сазовор бўлди.

Октябрь оиى مارказий ҳарбий округнинг «Фориш» тоғ полигонидаги Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Мудофаа вазирлик-ларининг ҳарбий хизматчилари иштирокида күшма ҳарбий машғулотлар юқори тайёргарлик ва савияда ўтказилиши билан ёдда қолди. Ўқув машғулотлари давомида икки давлат ҳарбий хизматчилари жанговар вазиятда бўлинмаларни ҳамкорликда бошқариш, давлат чегарасининг дахлсизлигини таъминлаш ва шартли душманни йўқ қилиш каби турли жанговар ҳаракатларни олиб борди. Мақсадларнинг муштараклиги, урф-одатларнинг уйғунлиги эса бир мушт бўлиб ҳаракатланишга хизмат киради.

Дарвоқе, юрт ҳимоячиларининг жанго-вар-рухий тайёргарлигини мустаҳкамлаш, хизмат фаолиятида эришган ютуқларини муносиб рағбатлантириш, ҳарбий округлар ўртасида

соғлом рақобат мұхитини шакллантириш мақсадида «Амир Темур жанговар байроби учун» мусобақасида ҳам барча ҳарбий округ қүшинлари курашга бел боғлади.

Юқоридаги жараёнлар соҳадаги тизимли ислохотлар берәётган амалий натижаларнинг бир қисми, холос. Саналмаганлари қанча... Асосийси, юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини асраршдек мұқадас бурчини шараф билан ўтаётган мард ўғлонлари ёруғ юз ила бундан-да юқори ва залворли чўққиларни забт этишни мақсад қилган!

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,
капитан.**



2 МИЛЛИАРД ДАН ЗИЁД АҲОЛИ САЙЛОВЛАРДА ҚАТНАШГАН

**2024 ЙИЛ САЙЛОВЛАР СОНИ
ВА ҲУКУМАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
БҮЙИЧА МУХИМ ЙИЛ Бўлди.**
ДУНЁНИНГ САККИЗ МИЛЛИАРД
АҲОЛИСИНинг ДЕЯРЛИ ЯРМИ
ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИГАН 60 ДАН
ОРТИК МАМЛАКАТДА ТУРЛИ
ДАРАЖАДАГИ ВА ТУРДАГИ –
ПРЕЗИДЕНТЛИК, ПАРЛАМЕНТ
ВА МАҲАЛЛИЙ САЙЛОВЛАР
ЎТКАЗИЛДИ. БУНДАН ТАШҶАРИ,
УЛАРНИНГ БАЪЗИЛАРИДА
ҲАМ ДАВЛАТ РАҲБАРИ, ҲАМ
ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОРГАН БИР
ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁКИ ҚИСКА
ВАҚТ ОРАЛИГИДА САЙЛАНГАН.


Сиёсий жараёнлар ичидаги АҚШдаги Президентлик сайловлари, албатта, энг шов-шувлиси бўлиб, жаҳон оммавий аҳборот восита-ларида максимал даражада ёритилди. Бирок, Германиянинг Statista статистик платформаси маълум килишича, Штатлар иштирок этган сайловчилик сони бўйича атиги учинчи ўринда. Хиндистонда етти босқичда (апрель ўрталаридан июн ойининг бошигачага) бўлиб ўтган ва тахминан 642 миллион киши овоз берган парламент сайловлари биринчи, Европа Иттифоқининг 27 давлатидаги 360 миллион сайловчини қамраб олган Европа парламентига сайловлар иккинчи ўринни ёгаллаган.

ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ

Январь ойида Хитой Республикаси (Тайвань), Финляндия сингари мамлакатлар сайловлари муваффақиятли ўтказиб олган бўлса, 7 февраль куни Озарбайжонда муддатидан один Президентлик сайлови бўлиб ўтди. Бу мамлакат тарихидаги тўқизинчи Президентлик сайлови бўлиб, унинг якунларига биноан амалдаги давлат раҳбари Илхом Алиев 92 фоиз овоз билан бешинчи маротаба кайта сайланди. Мамлакат Конституциясига биноан Президентлик курсисида ўтириш муҳлати 7 йил. Кайта сайланни майдори эса чекланмаган. Бу йилга сайловларда овоз берига чиққанлар сони ошган бўлиб, 76,7% сайловчи сиёсий ҳукуқидан фойдаланган.

Осёйнинг бошқа бир бурчаги Индонезияда эса Президентлик сайловлари парламент сайловлари билан бир вактда 14 февраль куни ўтди. Унда амалдаги Президент Жоко Видодо Индонезия Конституциясида белгиланган муддат чегаралари туфайли учинчи маротаба ўз номзодини қўя олади. Президентлик сайловларида Индонезия Мудофаа вазири Прабово Субианто галаға қозонди. Уни 96,2 миллион одам кўллаб-кувватлаган ва 58,6 фоизлик натижага билан энг яхши кўрсаткичага эриши. Вице-президентлик лавозими эса Жоко Видодонинг ўғли, 36 ёшли Гиброн Ракабуминг Ракага насиб этиди. Аввалорук мамлакат конституциявий суди 40 ёшдан кичикларга ушбу лавозимда ўтириши муумкин эмаслиги тўғрисида қонунчиликка ўзгартириш кириктган эди.

Март ойида шубҳасизки, Россиядаги сайловлар кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Россия Федерациясининг саккизинчи Президентлик сайлови 15 – 17 марта кунлари бўлиб ўтди. Сайловчиларнинг 77,49 фоизи катнашган овоз берига натижалари якунига биноан амалдаги Президент Владимир Путин 76 миллиондан зиёд овоз тўплаб, мутлук фолиблини кўлга кирити. Сиёсий жараёнда жами 87 576 075 сайловчи иштирок этган. Марказий сайлов комиссияси раҳбари Элла Памфилова 21 марта куни расмий натижаларни эълон қила туриб, замонавий Россия




**МЕКСИКАДА АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ
ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ
КУРАШАДИ**

Июн ойида Мексикада бўлиб ўтган Президентлик сайловлари натижаларига биноан эса Клаудия Шейнбаум мамлакат Президенти лавозимига ўтирган биринчи аёл бўлди. Унинг номзоди Sigamos Haciendo Historia коалицияси томонидан илгари суръланган. Коалиция З та сўл партиядан ташкил топган бўлиб, амалдаги Президент Андрес Мануэль Лопес Обрадорнинг ҳукумат тепасидаги Morena партияси ҳам унинг таркибига киради. Мануэль Лопес Конституцияга биноан иккинчи муҳлатга ўз номзодини қўйиш ҳукуқига эга эмасди. Шу сабабли у Шейнбаумни сайлов кампанияси даврида тўла кўллаб-кувватлади. Ўз навбатида Шейнбаум Обрадор сиёсатини давом этириш ва ривожланишини въвда қилди. Унинг сайлововиди дастурининг асосий нұқталаридан биринчи якунларига қарши кураш эди. Мехико шаҳри мери сифатида ўттиз йилдан кўпроқ вақт ичидаги пойттаҳтдаги қасддан килинган котиллар кипарни эсанг паст даражага камайтиришага мувоффақ бўлган ва у бу тажрибани бутун мамлакат бўйлаб татбиқ этишини кўзлаган.

Жорий йилда Эронда ҳам муддатидан аввал Президентлик сайловлари ўтди. Унинг биринчи тури 28 июнь куни, иккинчи тури эса 5 юнда ўтказилган. Сайловлар Эроннинг 8-Президенти Иброҳим Раиси вафотидан кейин мамлакат Конституциясининг 131-моддасига мувоффақ ташкил этилди. Президентликка номзодларни рўйхатдан ўтказиши 30 майда бошлани, 3 июнда нюхоясига етган. 80 киши номзодликка ариза топшурган бўлиб, улар орасида 4 нафари аёллар эди. Номзодларнинг якуний рўйхати Эрон Конституция муҳофизлари кенгашни томонидан тасдиқланни, бу кишининг номзоди 9 июнь куни расман эълон қилинди. Иккинчи тур натижаларига биноан Масуд Пезешкиан 53,7 фоизлик натижага билан Эрон Президенти этиб сайланди.

ШОВ-ШУВЛИ САЙЛОВЛАР

Молдовадаги сайловлар октябрь ойида бўлиб ўтди. Унда 11 номзод, шу жумладан, республиканинг амалдаги раҳбари Майя Санду ҳам Президентликка дайвогарлик қилди. Унинг асосий сиёсий рақиби Молдованинг собиқ Бош прокурори Александр Стояновго мухолифатдаги социалистлар партисининг вакили эди. Президентлик сайловлари куни референдум ҳам ўтган бўлиб, унда фуқаролардан ўз мамлакатининг Европа Иттифоқига қўшилиши юзасидан



муносабатини билдиришлари ҳам сўралган. Бу масала аҳоли ва мухолифат партиялари ўртасида тортишувларга сабаб бўлди.

Молдовадаги сайловлар икки турда ўтди. Биринчи босқичда номзодлардан ҳеч бир тўлиқ галабага эриша олмади. Протоколларнинг 98 фоизини қайта ишлаш натижаларига кўра, Майя Санду 41,9% овоз билан, Александр Стояновло – 26,3% овоз билан етакчилик қилди. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, Президент сайловининг иккинчи босқичи самарали ва професионал тарзда ташкил этилган. Шу билан бирга, чет эл аралашуви ва овозларни сотиб олиш билан боғлиқ муммалор иккинчи босқичда кампанияга таъсир кўрсатишда давом этган. 2-тур якунларига биноан Майя Санду 55,35 фоизлик натижага билан галаға қозонди. Бирор, сайловдан кейинги кун Молдава Республикаси социалистлар партияси ва Победа мухолифат блоки сайловларнинг иккинчи босқичи натижаларига норозилик билдири.

АҚШдаги Президентлик сайлови 5 ноябрь, сеансида куни ўтди. Бу мамлакат тарихидаги 60-Президентлик сайлови бўлиб, унда АҚШнинг 47-Президенти сайланган. Дастандик иккинчи муддатда қайта сайланисини режалаштирган амалдаги Президент Жо Байден сайловда иштирок этишдан бош тортгандан сўнг, АҚШ вице-президенти Камала Харрис демократик партиядан Президентликка номзод, Тим Уолзер эса вице-президентликка номзод бўлди. Дональд Трамп эса Республикачилар партисидан Президентликка ўз номзодини қўйди. Ушбу партиядан вице-президентликка Жеймс Дэвид Вэнс даъвогарлик қилди. Президент сайловлари билан бир вактда Сенат ва Вакиллар палатасига сайловлар бўлиб ўтган. Баъзи штатларда губернаторлик ва қонунчилик идораларига ҳам сайловлар ўтказили.

Дебатлар ва сайловолди кампанияси давомида муҳокама қилинган асосий мавзулар иктисодиёт, чегаралар хавфзислиги ва ноқоний иммиграция, демократия ва сиёсий зўравонлик, ички ва ташки сиёсат, соғлиқни сақлаш, таълим, иқим үзгариши ва энергетика, аборт қилиш ҳукуқи каби долзарб масалалар эди.

Сайловлар натижаларига биноан Дональд Трамп ишончи галабага эришиши билан бир қаторда Республикачилар партиси Конгресснинг иккаки палатаси устидан ҳам назоратни ўз қўлига олди. АҚШнинг сайланган Президентлининг инаугурацияси 2025 йил 20 январга режалаштирилган.

2024 йилда Африка минтақасида ҳам бой сиёсий мавсум бўлди ва 10 дан зиёд мамлакатида, жумладан, Жазоир, Гана, Комор ороллари, Мозамбик, Намибия, Руанда, Сенегал, Тунис, Чад, Жанубий Африкада Президентлик сайловлари ўтказили.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ

Хиндистонда парламент сайловлари 2024 йил 19 апрелдан 1 июнчага етти босқичда бўлиб ўтди. Овозларни ҳисоблаш 4 июн

куни якунига етказилиб, 18-Лок сабҳа (Хиндистон парламентининг куйи палатаси) шакллантириш натижалари ўша куни ёзган қилинди. Хиндистоннинг 968 миллионга яқин фуқароси минтақага қараб етти босқичдан бирида овоз берига ўтказилган ва бу мамлакат парламент сайловлари тарихидаги энг юқори кўрсаткичидир. Шунингдек, аёлларнинг сайловларни юқори даражада қайд этилган. Хиндистон марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган натижаларга мувоффик, Бхаратия Жаната партияси 44,20 фоиз овоз тўплаб биринчи ўринни кўлга киритган.

ЕВРОПАДА ЎНГ ВА ЎТА ЎНГ ПАРТИЯЛАР ПОЗИЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАДИ.

Европа минтақасида ҳам бу йил сиёсий жараёнларга бой бўлди. Европа парламенти сайловлари 6 дан 9 июнчага давом этиди. Бу 1979 йилдан бери Европа парламентига ўнчини умумхалқ сайловлари ва Брехитдан кейинги биринчи сайловлар эди. Овоз берига натижаларига мувоффик, ўнг ва ўта ўнг партиялар устунликка эришиб, Европа Иттифоқининг асосий мамлакатларидаги кўрсаткичларни сезиларди даражада яхшилаб олди. Масалан, Францияда ҳар уч сайловчидан биринча Марин Ле Пенning "Миллий бирдамлик" партисига овоз берган. Президент Эммануэл Макроннинг "Ўйғониш" партияси эса анча паст овоз тўплади. "Германия учун альтернатива" ўз мамлакатидаги сайловларда канцлер Олаф Шольз партисигини орта қолдириб, иккинчи ўринни ёгаллади. Иммиграция қарши партиялар Аўстрия, Нидерландия ва Италиядан ҳам муваффақиятга эришиб. Шунга қарамай, ўнг қанот партиялар ҳали ҳам ягона консолидацияланган кун тартибини ишлаб чиқолишини олдади. Натижада, марказилар ҳозирга Европа парламентида кўпчиликни сақлаб мувоффақ бўлди.

Буюк Британияда эса 4 июль куни ўтган сайловлар натижаларига кўра, Лейбористлар партисиги 14 йил ичидаги биринчи марта ғала ба қозонди ва кўйи палатада 412 та ўринни кўлга киритди. Эртаси кунин консерваторлар раҳбари Риши Сунак мағлубиятини тан олиб, Буш вазирларни ўтказилимидан кетишими мъълум қилди. Шундан сўнг Кир Стармер Бош вазир курилсини ёгалла, ҳукуматни шакллантириди.

Францияда 2024 йилда тўрт маротаба Бош вазир ўзгарди. Парламентда 2025 йилги бюджетни қабул қилиш юзасидан қарама-қаршиликлар кучайгача, чап ва ўнг мухолифат 4 декабрда куни Мишель Барньєга нисбатан ишончсизлик вотумини эълон қилди.

Бундан ташкири, 2024 йилда Фумио Кисида Япония Бош вазiri лавозимидан кетди. Ҳукумат тепасидаги либерал-демократик партияда юзага келган тури мажоролар обрўсига пурт етказди ва Фумио Кисида истеъфага чиқишини мъалум қилди. Партиянинг янги раҳбари, собиқ Мудофаа вазири Шигеру Ишибани парламент Бош вазир сифатида тасдиқланидан кўп ўтмай, у кўйи палатага муддатидан аввал сайловлар ўтказилишини эълон қилди. Натижада ҳукумат тепасидаги коалиция кўпчилик овозини ўйқотди.

Хуласа қилиб айтганда, айнан сайловлар орқали аҳоли нимани ва айнан қандай ўзгаришлар бўлишини истаётганини англаш мумкин. Шу сабабли ҳам сайлов мамлакатининг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги мухим сиёсий жараёнлардан бири бўлиб, жамиятни ҳакиқиётни юзага келган тартибни олди. Тартибнинг янги раҳбари, собиқ Мудофаа вазири Шигеру Ишибани парламент Бош вазир сифатида тасдиқланидан кўп ўтмай, у кўйи палатага муддатидан аввал сайловлар ўтказилишини эълон қилди. Натижада ҳукумат тепасидаги коалиция кўпчилик овозини ўйқотди.

Хуршидабону НАЗАРОВА тайёрлади.

«АФРОСИЁБ» – 20-25, «ШАРҚ», «НАСАФ» ВА «ЎЗБЕКИСТОН» – 30 ФОИЗГА ҚИММАТЛАШАДИ



Шу йилнинг 1 февралидан мамлакат ичкарисида ҳаракатланадиган айрим поездларнинг чипта нархлари оширилади. Бу хақда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти маълум қилди.

Хабарга кўра, нархларнинг ўтшиғи кўйидаги бўлади:

юқори тезлиқда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поезди: эконом-класс чипталари – 20 фоизга, ВИП ва бизнес-класс чипталари – 25 фоизга оширилса, «Шарқ», «Насаф» ва «Ўзбекистон» тезларор поездлари – 30 фоизга кўтарилиши кўзтаги.




Шундай килиб, «Афросиёб» учун чипталар нархи:

Тошкент – Самарқанд: Эконом – 294 минг сўм; Бизнес – 450 минг сўм; ВИП – 619 минг сўм.

Тошкент – Қарши: Эконом – 406 минг сўм; Бизнес – 634 минг сўм;

ВИП – 854 минг сўм.

Тошкент – Бухоро: Эконом – 484 минг сўм; Бизнес – 751 минг сўм; ВИП



Мўъжизаларга ошно қалб эгаларини истиганча топиш мумкин. Кимдир автомашинага ихлос қўйган бўлса, бошқа бирор уй-жой қуришга кизиқади. Марка йигишга ишқибоз-у хорижий валюта шинавандалари кўпчиликни ташкил қиласди орамизда.

Узун туманининг "Тожикобод" маҳаласида истикомат қуловчи Боймурод Жўраев эса табиат ошуфтаси. Кўп йиллик қадрдорнимиз янги йилининг илк кунлари "Сангардак" шаршарасининг кишики гўзалликларини томоша қилишга таклиф килди. Бир гурух биродарлар билан Сарисиё туманинг йўл олдик.

Сурхон воҳасининг шимоли-шарқида жойлашган "Сангардак" маҳалласида миз. Баландлиги қарийиб 150, эни эса

ТАБИАТ ДУРДОНАСИ

80 метрча келадиган шаршара кумуш фаслнинг айни чилласида ажаб фусункорлик касб этган. Миллионлаб муз сумалаги ҳамда ажабтурор музпардалар шокила-шокила бўлиб "осилиб" туриди. Бирни катта, бошқаси кичик уларнинг. Ҳатто, узунлиги 2-3 метр келадиган ғаройбларини ҳам кўриш мумкин.

Ён атрофимиздан "чакиллаб" томаётган оби-ҳаёт эса киши қархини "синдириш"га уринаётгандек тасаввур уйғотади

кишида. Улкан қояларга кўрк бағишилаб турган беҳисоб яхмалаклар турли ранг ҳамда турфа жилваларда жилоланади.


- Борлиқнинг бебаҳо болигига бўлган шаршара Марказий Осиёда ягона, - дейди ҳамроҳимиз Боймурод ака хуш кайфиятда. - Жануб дурданаси дениз сатҳидан 3-3,5 минг метр баландда - баҳабат тог "бикин"ида жойлашганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Бу ҳам тилсими дунёнинг сир-у синоатга бойлиги ва борлиқнинг ўзига хослигидан бўлса ажабмас.

- Бу йилги қиши анча салқин келди, - дейди "Боги ширин" маҳалласида яшовчи Дилшодаҳон Ёрмаҳматова. -

Айниқса, тоғ ҳавоси жуда совук - этни жўнжиктиради. Пурвикор чўққи ва улкан қирларда 1 метрга яқин қор тушган бўлса, кўллар 15-20 сантиметргача музлаган. Дарё кирғоклари ва илонизи йўлларнинг 3-5 сантиметр "яхлаган" ини кўриш мумкин. Шундай бўлса-да, дилтортар ва оромбахш ошиён табиат-севарлар билан гавжум.

Ҳар фаслнинг ўз хислати ва ўз таровати бор, дейдилар. Қиши ҳам ўз зийнати билан дилларга чексиз хузур бахш этиб, ўзгача шукух улашаётгани қувонарли.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЙИРИК
ҚУВВАТЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНГАН
ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ
КОМБИНАТИГА ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ.**

**ОАВ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ
ТАДБИРДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК,
70 ЙИЛДАН ОШИК ТАРИХИЙ ЙУЛНИ
БОСИБ ўТГАН "ОЛМАЛИҚ КОН-
МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ" АЖ
РЕСПУБЛИКАМИЗ ИКТИСОДИЙ
САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
МУНОСИБ ҲИССА КЎШИШ КЕЛМОҚДА.
БУГУНГИ КУНДА АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ТАРКИБИДА ТОШКЕНТ,
ЖИЗЗАХ, НАМАНГАН, СУРҲОНДАРЁ
ВИЛОЯТЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН МИС,
МОЛИДБЕН, ҚўРГОШИН, РУХ, ОЛТИН,
КУМУШ КАБИ НОЁБ РАНГИ МЕТАЛЛАР
ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН "ҚАЛМОҚҶИР",
"АНГРЕН", "ЧОДАК", "ХОНДИЗА",
"КОВУЛДИ" КАБИ 6 ТА КОН ФАОЛИЯТ
КЎРСАТМОҚДА.**

- Юритимизда Менделеев даврий жадвалидаги элементларнинг деярли барчаси бор ва уларнинг заҳираси кўп, - дейди "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Сайди Шерматов. - Жумладан, буғунги кунда комбинатимиз мис-молидбен, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиш ва қайта ишлаш бўйича Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда етакчи саналиб, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та йирик корхона сафидан ўрин олган.

2012-2016 йилларда комбинат фаолиятини ривожлантириш учун 123 миллион АҚШ доллари сарфланган бўлса, 2017 йилдан 2024 йилга кадар ушбу маблағ 35 бараварга ортиб, 4,5 миллиард АҚШ долларира етди. Бу эса ўз навбатида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8, маҳаллийлаштириш даражасини эса 7,7 бараварга оширишга замин яратди. 2030 йилга бориб "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖда ишлаб чиқариш қувватларини, хусусан, мисни 500 минг тоннага етказиш мақсад қилин-

ОКМК: ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙМОҚДА

ган. Ушбу истиқболли инвестициявий лойиҳа натижасида жамиятдаги маъдан кони каттаги бўйича дунёда энг йирик кон мақомига эга бўлади.

2025 йилда 60 миллион тонна қувватга тенг 3-мис бойитиш фабрикаси, 180 минг тоннага қувватга тенг 6-сон сульфат кислотаси цехи ва мис бойитиш фабрикасида тўлиқ автоматлаштирилган янги насос-гидроциклон ускуналари фойдаланишга топширилади. 2024 йил 15 октябрь куни Президентнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташрифи давомида 4-мис бойитиш фабрикаси курилишига старт берилди. Йилига 60 миллион тонна маъдан қайта ишланиб, 800 минг тоннадан ортиқ мис концентрати ишлаб чиқариладиган фабрикада 3 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. Ҳозирда мутахассислар томонидан лойиҳа олди ишлари амалга оширилмоқда.

Комбинатнинг хорижий ҳамкорлари сони ҳам тобора ортоқида. Сўнгги бир йил ичida Япония, Корея, Германия, Финляндия, Буюк Британия, Хитон, Сингапур каби давлатларнинг ўзлаб инвесторлари билан мулокот ўтказилиб, янги инвестицион инновацион лойиҳалар устида иш олиб бориляпти.

Яна бир муҳим янгилик, ОКМК республикамида биринчилардан бўлиб давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри хорижий кредитларни жалб килишини бошлаган. 2024 йилда уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 8,6 миллиард АҚШ долларира етди. «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги комбинатнинг узоқ муддатли кредит рейтинг кўрсаткичини «BB-» баракарор даражасида тасдиқлади.

Комбинатнинг экспорт географияси йил сайин кенгаймоқда. Ҳозирда ОКМК маҳсу-

латори 19 та давлатга экспорт қилинади. Ташқи бозорга асосан мис, рух, молибден, ренин, кўроғини концентрати, кадмий, палладий кукуни каби маҳсулотлар чиқарилмоқда. 2024 йилда қатор янги бозорлар ўзлаштирилди ва январь-ноябрь ҳолатига кўра 578 796 000 долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди.

Тадбирда Махаллийлаштириш дастурига кўра ишлаб чиқариш ўсиш суръати ўтган йили 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 3,6 баробарни, импорт ўрнини босиши самарадорлиги 108,5 миллион АҚШ доллари ташкил этганни маълум қилинди.

Комбинат томонидан профессионал

муҳандис-техник ходимларни қайта тайёрлаш мақсадида Муҳандислик мактаби барпо этилгани яна бир ютукли жиҳатдир. Мактабни лойиҳалаш Германиянинг "Aurubis" компаниясининг ўқува маркази намунасида амалга оширилди. Муҳандислик мактабида геология, кончиллик иши, кон саноати транспортлари, маркшейдерлик иши, фойдала-қазималарни бойитиш, металлургия, механика, энергетика, ишлаб чиқаришини автоматлаштириш йўналишларида фаолият олиб бораётган мутахассислар ўқитилади.

- Бугунги кунда комбинатни 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси тасдиқлана-ни, изчил амалга оширилмоқда, - дейди давомида Сайди Шерматов. - Унинг доирасида "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш ва 3-мис бойитиш фабрикасини куриш жараёни кетмоқда. Айни пайтда йилига 60 млн тонна маъданни қазиб олини учун кон тўлиқ тайёр холга кеттирилди. Бунинг учун 210,2 млн куб метр бўш тог ўчинларни қазиб олини. Бошха фабрикалардан фарқли ўла-рой, коннинг ўзида маъданларни биринчи майдаш-юқлаш қурилмаси барпо этилди.

Карьерни куриш бўйича лойиҳа бошидан бўйи 210,2 миллион м3 кон юзасини очиш ишлари бажарилди. Коннинг узунлиги 4,0 км, эни 2,0 км ва чукурлиги 235 метрга етди. 41,63 км узунликда темир ўйлар тўқизилиб, электрлаштирилди.

Кондан 400 та техника востсаллари ишлаб олмоқда. Узунлиги 4,2 км бўлган магистрал конвейерлар майданни фабрика хом ашё омборига ташиши. Конвейер тизими жорий этилиши маъданни ташиши харажат-

ларини камиди 30 фоизга камайтиради.

- Ушбу конвейернинг битаси тўлиқ ишлаб чиқарилиган бўлиб, иккинчисида монтаж ишлари давом этмоқда, - дейди "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ Рух заводи директори Фаррух Установ. - 3-мис бойитиш фабрикаси курилишига эса карийб 10 ярим минг нафар қурувчи ва 790 дан ортиқ маҳсус техника жаб қилинган. Дунёнинг етакчи компанияларидан флотация, майин яниш, қуолтириш ва сувсизлантириш жараёнларини юқори сифат ва унумдорликда амалга ошириш мақсадида замонавий курилмалар келтирилган.

- Аслида Мис эртиши заводи ОКМКнинг мис ишлаб чиқариш занжиридаги сўнгги - якунловни бўйин хисобланади, - дейди "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ Мис эртиши заводи директори Баҳтиёр Ваққасов. - Комбинат товар-маҳсулотларини 85 фоизи Мис эртиши заводида ишлаб чиқарилади. Заводимиз халқаро нуғузли ташкилларнинг "Энг яхши етказиб борувчи" ва "Юқори сифат эгаси" каби эътирофига сазовор бўлган. Завод ўзида хом ашёдан то қадоқланган тайёр маҳсулот даражасигача бўлган тизимни мұхассас қилган.

Бугунги кунда заводда мис катоди, олтин, кумуш, селен, теллур, мис купороси, ренин, сульфат кислотаси, эмалланган мис симлари, палладий кукуни, суютирилган кислород каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, молибден куйиниси, кўроғини висмут таркиби шлам, суютирилган азот каби ёрдамчи маҳсулотлар ҳам тайёрланади.

2024 йилда заводда маҳсулот турлари ҳам сезиларни кўпайди. Мамлакатимиз заргарлик саноати учун гранулаланган олтин ва кумуш ишлаб чиқариш бошланди. Шунингдек, Гидрометаллургия участкаси фаолияти ҳам йўлга кўйилди. Бугунги кунда завод цехларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда энерго ресурсларнинг тежамкорлигига эришиш мақсадида рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



MUASSIS:

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўйими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftanining chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yhatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 137. 1700 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tij